



МАМЛАКАТДА ХУСУСИЙ МАКТАБЛАР ВА УЛАРДА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ ДИССКОМФОРТЛИГИ

*Ориентал университети магистранти,
ИСФИ, Ижтимоий-иқтисодий
фанлар факультети декани,
Адхамов Рустам Равшанович*

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизда фаолият юритаётган хусусий мактаб ва уларда яратилган шарт-шароитларнинг жаҳон андозаларига мослиги, ўқувчилар ва ота-оналар учун мақсадга мувофиқлиги хусусида сўз кетади. Шунингдек, амалдаги мактабларда таълим жараёнига шароитнинг тўлақонли мослиги, хусусий секторнинг давлат сиёсатидаги ўрни, хусусий мактабларнинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлиги ва ота-оналарнинг талабларини қондириши бўйича фикр ва мулоҳазалар батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: хусусий мактаб, бизнес, инвестиция, таъсисчи, ўқув режа, шарт-шароитлар, афзалликлар, имконият.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, хусусий таълим секторларига кенг йўл очиб берилди. Фарзандлари келажакда билимли бўлишини, бу йўлда барча имкониятларни ишга солишни истагани билдирган айрим ота-оналар фарзандларининг таълими учун нодавлат умумтаълим муассасалари яъни хусусий мактабларни танлай бошладилар. Лекин айрим тоифадага ота-оналар бунга таълим бизнесга айланиб қолмоқда, деган хавотир билан қарайдилар.

Тўғри, хавотирга ҳам ўрин бор, чунки хусусий мактаб фаолиятини тadbиркор яъни таъсисчи йўлга қўяди ва у хусусий мактабга инвестиция киритиб мактабга кўпроқ ўқувчи жалб этишни истади. Бунинг учун эса унинг мактаби бошқа мактабларга қараганда ҳар томонлама замон талабларига жавоб беришини истади. Дарс ўқитишда эса маҳоратли ўқитувчилар, фан номзодлари, профессорлар ва ҳаттоки чет эллик мутахассисларни ҳам жалб этади. Негаки, бундай мактабларни ота-оналар фарзандлари яхши ўқиши, келажакда олий таълим муассасаларига қийналмай кириши ва чет тилларида қийналмай мулоқотга кириша олишлари учун танламоқдалар.

Ҳозирги вақтда ҳар бир олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган аксарият талабалар ўқишга киришдан олдин ўқув марказлар ёки репетиторлар ёрдамида тайёрланган бўлиб чиқмоқда. Тошкент шаҳрида ҳозирги вақтда 200 дан ортиқ ўқув марказлари фаолият юритиб келмоқда, уларга эътироз билдира олмайсиз, чунки яхши билим беради ва шу берган билимига яраша ҳаққини ҳам олмоқда.

Лекин бунинг бир салбий тарафи келиб чиқмоқда, ўқувчи умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олиб бўлганидан сўнг келажакда талаба бўлишни истаган ҳолда ёки хорижий тилларни ўрганиш учун яқин атрофда жойлашган ўқув марказини қидиради,



танлаган ўқув маркази ўқувчи хужжат топширмақчи бўлган олий таълим муассасасига тайёрлай оладиган ёки тил ўрганиш даражаси бўйича шаклланган гуруҳ бўлса жуда яхши аммо бўлмаса-чи ёки ўқувчининг давлат мактабидаги дарслари вақтига тўғри келиб қолсачи? Унда ўқувчи уйдан узоқроқ масофада жойлашган ўқув марказига боришига тўғри келади ёки давлат мактабидаги дарсларига бормай туради.

Бу ўз навбатида муаммони келтириб чиқаради.

Бундай муаммога ечимларни хусусий мактаблар таклиф этиб келмоқда. Пойтахтимизда ҳаттоки ўз ётоқхонасига эга бўлган хусусий мактаблар ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Давлат умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жараёнини ташкил этиш учун давлат бюджетдан катта маблағ сарфланади. Битта мактабнинг сарф-ҳаражатлари ҳам анча-мунча маблағни ташкил этади. Хусусий мактаблар “Таълим тўғрисида”ги қонун билан белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ хизмат кўрсатади. Нодавлат таълим муассасаларини молиялаштириш таъсисчилар, кадрлар буюртмачилари пули ва моддий воситалари ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ота-оналар билан таълим муассасаси ўртасидаги шартномага асосан амалга оширилади. Хусусий мактабларда таъсисчилар барча ҳаражатларни ўз бўйниларига оладилар. Улар ўқувчиларни замонавий жиҳозлар билан таъминланган синф хоналарида ўқитиш, шунингдек, дарсликлар ва қўлланмалар билан таъминлашга ҳаракат қилади. Ўқувчиларга барча шарт-шароитларни яратадилар ва сифатли таълимни таклиф этадилар. Бу ўз ўрнида соғлом рақобатнинг вужудга келтириб чиқаради.

Хусусий мактабларнинг афзалликларидан яна бир жиҳати ўқувчиларнинг келгуси таълимга тайёрлаш учун имкониятни яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра 2022/23 ўқув йили бошидан 194 та нодавлат умумтаълим муассасаларида 45 927 нафар ўқувчи таълим олган.

Тақдим этилган статистик маълумотларга қараганда 2018-2023 йиллар мобайнида нодавлат умумтаълим муассасаларида қуйидагича нафар ўқувчи таълим олиб келган.:

- 2018-2019 ўқув йилида – 13 769 нафар ўқувчи
- 2019-2020 ўқув йилида – 21 042 нафар ўқувчи
- 2020-2021 ўқув йилида – 26 970 нафар ўқувчи
- 2021-2022 ўқув йилида – 30 553 нафар ўқувчи
- 2022-2023 ўқув йилида – 45 927 нафар ўқувчи

Бундан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 2018-2019 ўқув йилидан 2022-2023 ўқув йилигача хусусий мактабларда ўқувчиларнинг сони 32 158 нафарга кўпайган.

Хусусий мактабларнинг кун тартиби асосан соат 08:00 дан соат

17:00 гача ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этган ҳолда шакллантирилган. Айрим хусусий мактабларнинг ўз автобуслари бўлиб, улар ўқувчиларни яшаш манзилига яқин бўлган худудлардан мактабларга олиб кетадилар. Ўқувчилар



эрталабки дарсларини нонушта билан бошлайдилар. Куннинг биринчи ярми, яъни тушликкача бўлган вақтида ўқув режасида кўрсатилган мажбурий фанлар ўқитилади. Тушлик вақтида тушлик берилади ва дам олиш учун вақт ажратилади. Тушликдан сўнг хусусий мактаб ихтисослаштирилган фанлар дарслари ва тўгараклар ўтказилади. Соат 16:00 ларда толма чой берилади, сўнгра фанлардан берилган уйга вазифалар ва ўзлаштирилиши қийин бўлаётган фанлардан кўшимча машғулотлар ўтказилади. Кун охирида ўқувчиларни мактаб автобусларига ўтказилиб ўз уйларига юборилади.

Мисол тариқасида, Тошкент шаҳар Сирғали туманида жойлашган “TARGET INTERNATIONAL SCHOOL” ва Тошкент вилояти Келес шаҳрида жойлашган “ZAYD SCHOOL” хусусий мактаблари юқорида келтирилган ҳолатлар асосида фаолият юритиб келмоқдалар.

“Менинг кичик фарзандим Имронабону Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманида жойлашган хусусий мактабнинг 5-синфида ўқийди. Мактабда соат 8:30 дан 17:30 гача бўлади, мен ва турмуш ўртоғим эрталабдан-кечгача ишда бўламиз. Қолган фарзандларим ҳам бири университетда бири касб-хунар мактабида ўқийдилар. Менга фарзандим мактабда ўқиб, ўз вақтида иссиқ таом истеъмол қилиб, уйга берилган вазифаларни ҳам мактабда бажариб келаётганлиги, фанларни ўзлаштириш даражаси ҳам юқорилиги жуда маъқул бўлди” – дейди Камолахон Тиллаходжаева, фарзандини хусусий мактабда ўқитаётган она.

Шунингдек хусусий мактаблар синфларида ўқувчиларнинг сони ўртача 20 нафар ўқувчини ташкил этади, бу ўз ўрнида ўқитувчининг ҳар бир ўқувчига дарс мобайнида кўпроқ вақт ажрата олишига имконият яратади.

“Хусусий мактабда фаолият юритишнинг афзал тарафлари авваламбор ойлик иш ҳақининг нисбатан юқорилиги, кейин синфларда ўқувчилар сонининг 20 нафаргача бўлиши жуда қулай. Чунки ҳар бир ўқувчи билан ишлашга етарли даражада вақт бўлади ва хусусий мактабнинг ота-оналари ҳам фарзандагарига нисбатан талабчан бўладилар, доимий равишда ўқитувчилар билан мулоқотда бўлиб турадилар” – дейди Гулчеҳра Набиева, “TARGET INTERNATIONAL SCHOOL” хусусий мактаб ўқитувчиси.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, энг яхши инвестициялардан бири бу - таълимга йўналтирилган инвестициядир. Фарзандларимиз қанчалик билимли бўлса, келажакда жамиятимиз шунчалик кучли инсонлардан ташкил топади. Жамият равнақи учун баркамол шахс тарбияси давлат сиёсатида устивор саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг stat.uz сайти.